THE IMPORTANCE OF DEVELOPING ANALYTICAL THINKING IN STUDENTS DURING THE EDUCATIONAL PROCESS

Mamadjanova Nozima Adkhamovna
Namangan State University
Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences (PhD in English)
mamadjanovanozima@gmail.com
https://doi.org/10.5281/zenodo.7725846

Abstract: This article emphasizes the importance of developing analytical thinking in students during the educational process. It is important to improve the analytical thinking of students studying in the fields of philological education, the intellectual basis of forming professional competences, to teach them to discover the layers of explicit and implicit meanings in artistic works.

Key words: independent thinking, analytical thinking, thinking, educational value, nation, aesthetic taste.

ВАЖНОЕ ЗНАЧЕНИЕ РАЗВИТИЯ АНАЛИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ

Мамаджанова Нозима Адхамовна
Наманганский государственный университет
Доктор философии в области педагогических наук (PhD на английском языке)

Аннотация: В данной статье подчеркивается важность развития аналитического мышления у студентов в процессе учебного процесса. Важно совершенствовать аналитическое мышление студентов, обучающихся по направлениям филологического образования, интеллектуальную основу формирования профессиональных компетенций, учить их раскрывать пласты явных и неявных смыслов в художественных произведениях.

Ключевые слова: самостоятельное мышление, аналитическое мышление, мышление, воспитательное значение, нация, эстетический вкус.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРДА АНАЛИТИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ АҲАМИЯТИ

Mamadjanova Nozima Adxamovna
Namangan Davlat Universiteti
Pedagogika fanlari bo’yicha falsafa doktori (PhD in English)

Аннотация: Ушбу мақола таълим жараёнида талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг муҳим аҳамиятини таўлил қилади. Филологик таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларнинг аналитик тафаккурини такомиллаштириш уларда касбий компетенцияларни шакллантиришнинг интеллектуал асоси, бадиий асарлардаги эксплицит ва имплицит маъно қатламларини кашф этишга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: мустақил фикрлаш, аналитик тафаккур, тафаккур, тарбиявий аҳамияти, миллат, эстетик дид.

КИРИШ

Дунёда инновацион ёндашувлар асосида талабаларнинг танқидий фикрлаш лаёқатини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини ошириш, маънавий-мафкуравий иммунитетини кучайтириш, ахборотлар билан ишлаш малакасини қарор топтиришга доир олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Айниқса, етук малакали мутахассислар тайёрлашни халқаро тенденцияларга мувофиқлаштиришда талабаларнинг аналитик тафаккурини такомиллаштириш масаласи устуворлик касб этмоқда. Хусусан, филологик таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларнинг аналитик тафаккурини такомиллаштириш уларда касбий компетенцияларни шакллантиришнинг интеллектуал асоси, бадиий асарлардаги эксплицит ва имплицит маъно қатламларини кашф этишга ўргатишнинг эрудицион омили эканлиги билан характерланади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида талабаларнинг аналитик тафаккур қобилиятини такомиллаштиришга, шунингдек, аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг методик тизимини модернизациялашга алоҳида эҳтиёж сезилмоқда. Қ.Ҳусанбоеванинг “Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари” мавзусидаги докторлик диссертацияси адабиёт ўқитиш давомида ўқувчилар тафаккурини ўстиришнинг илмий-педагогик асослари атрофлича ўрганилган фундаментал тадқиқот ҳисобланади. Олима томонидан адабиёт дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш имкониятлари, самарадорлиги, натижавийлиги илмий-методик жиҳатдан асослаб берилган.

Илму фаннинг ривожланиши натижасида тафаккур деб аталмиш руҳий-интеллектуал ҳодиса ҳам бир таркибли эмаслиги маълум бўляпти. Чунончи, фикрлаш мустақил фикрлашдан, аналитик тафаккур эса тафаккурнинг барча бошқа кўринишларидан фарқ қилиши илмий асосланиб борилмоқда[5]. Тафаккур кўринишлари орасида шахс эрудицияси ва интеллектини ошириш борасида самарадорлиги билан алоҳида ажралиб турувчи тури – аналитик

тафаккур ҳисобланади. Чунки аналитик тафаккур ўрганилаётган объектга турли тарафдан ёндашиш, унинг ички ва ташқи алоқаларини комплекс ҳолда текшириш ва тўхтамга келишни тақозо этади. Қадим замонлардан бундай тафаккур эгалари алоҳида қадрланганлар. Бундай фикрлай оладиган шахслар антик Юнонистонда аналитиклар деб номланганлар. Шундан бери фикрлашнинг ўзига хос мураккаб тури – аналитика номи билан юритиб келинади.

“Фалсафа. Қомусий луғат”да “аналитика” атамаси ҳақида: “Аналитика – таҳлил қилиш санъати муҳокама, исботлаш характерига эга бўлиш учун тушунча ва элементар тамойилларни ажратиш санъати. Аналитика мантиқ фанининг бўлими ҳисобланади. Аристотель “Топика” ва “Иккинчи аналитика” асарларида аналитикани қатъий, исботланган муҳокама сифатида таърифлайди” -деб изоҳ берилган.

“Аналитика” атамаси илк марта Аристотель томонидан мантиқий таҳлил техникасига берилган ном сифатида қўлланилган. Аристотель ўзининг “Аналитика” номли асарида фикрлашнинг бу йўсини тўғрисида алоҳида тўхталади. “Органоне” асарида мутафаккир “аналитик тафаккур” мантиғи бўйича фикрлашда икки муҳим жиҳат[3]: мураккаб бутунлик бўлган объектни дастлаб оддий қисмларга ажратиш ва уларни текшириш асносида тафаккур юритиш тобора мураккаблашиб бориш кераклигини айтади.

Немис файласуфи Иммануил Кант аналитикани инсоннинг англаш қобилияти, деб атаб, “Соф онг танқиди” асарида биринчи бўлиб билиш кечимини аналитик ва синтетик фикрлаш сингари икки босқичга ажратишни таклиф этади. Унинг таъкидлашича, аналитик тафаккур априоридир, яъни тажрибада тасдиқланишга муҳтож эмас. Шу боис у: “ аналитик тафаккур мавжуд билимни янада ёрқинроқ англаб етишга ёрдам беради”, – деб ёзади.

МЕТОДИК ТАҲЛИЛИ

Хуллас, жуда узоқ даврлар мобайнида аналитикага оламни билишга уринишнинг методларидан бири сифатида қараб келинди. Илму фан ривожланиб, олам ва одам ҳаётига хос қонуниятлар ҳақидаги фан бўлмиш фалсафа бир қанча тармоқларга бўлинган XIX асрнинг охирига келиб Ғарб мамлакатлари илмида аналитик фалсафа деб аталган алоҳида услубий йўналиш пайдо бўлди. Файласуф Готтлоб Фрегенинг “Концепцияни белгилаш” (Begriffsschrift) деган китоби яратилган 1879 йилни аналитик фалсафанинг дунёга келган санаси дейиш мумкин. Ана шундан эътиборан аналитик тафаккурнинг ўзига хос белгилари илмий тадқиқ этила бошланди.

Аналитик фалсафа файласуфларнинг эътиқоди, дунёқараш тарзи, нуқтаи назари, текширадиган муаммолар доираси билан эмас, балки ўрганиладиган масалаларга ёндашиш йўсини, уларни ҳал этишнинг ўзига хос услуби борлиги билан ажралиб туради[3]. Фалсафий тафаккурнинг аналитик услубига хос

биринчи энг муҳим жиҳат ҳар қандай масала юзасидан чиқарилган хулосанинг максимал даражада исботланган бўлишидир.

Аналитик-файласуф ҳамиша исботлаш назариясига таяниб иш кўради, ўз қарашларининг бир-бирини инкор қилмаслигини таъминлашга интилади. Шунинг учун ҳам аналитик фалсафий тадқиқотнинг натижаси муайян бир қарашни ёқлаш ёки инкор қилиш учун янги ва асосли далил топишдан иборат бўлади. Аналитик тафаккур услубининг иккинчи муҳим ўзига хослиги фойдаланилаётган тилга ўта синчковлик билан ёндашишда кўринади.

Аналитик тафаккур эгасида масаланинг асл моҳиятини англаш, унинг сабаб-оқибатларини тушуниш, керакли қарорга кела билиш қобилияти бўлади. Шу боис бундай фикрлайдиган одамлар олам ҳодисалари ва одамнинг ҳатти-ҳаракатлари юзасидан холис, атрофлича ва ҳаққоний хулоса чиқара биладилар. Аналитик тафаккур янги ахборот излаб топиш, уни ўрганиш ва тизимга солиш, олинган маълумотлар асосида тўғри тўхтамга келиш имконини беради. Аналитик тафаккур юритишда: а) ахборотни белгилаш, атрофлича ўрганиш; б) ахборотни муайян қисмларга ажратиш; в) маълумотларни таққослаб улар ўртасидаги боғлиқликни топиш; г) ахборотни холис баҳолаш; д) мантиқий фикрлаш; е) фикрни изчиллик билан тўғри баён этиш; ё) фикрлаётганда фақат далилларга таяниш; ж) ахборотларниинг муҳимини номуҳимидан ажрата билиш; з) мавжуд ахборотга танқидий қарай билиш; и) муқобил ечимлар бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш; й) хулоса чиқариш каби фикрий операциялар бажарилади.

Айтилганлардан келиб чиқиб, ***ўрганилаётган муаммо юзасидан аниқ далил бўладиган кўп миқдордаги ахборотларни тўплаб, масалага турли томондан ёндашиб, унинг майда жиҳатларини ҳам назардан қочирмаган ҳолда мавжуд далилларни таҳлил қилиш орқали энг тўғри ечимни тез ва аниқ топишга қаратилган ақлий жараён аналитик тафаккурдир*** йўсинида таъриф бериш мумкин[6]. Яхши ривожланган аналитик тафаккур ҳар қандай чигал муаммонинг ҳам энг самарали ва фойдали бир неча ечимини тезкорлик билан топа билади. Бундай фикрлай оладиган одамда ҳар қандай муаммо юзасидан кўп тарафлама ўйланган асосли тўхтам, ўз фаолиятини режалаштириш ва натижасини кўра билиш қобилияти бўлади.

Аналитик тафаккурга эга бўлиш, умуман, педагогик амалиётда, хусусан, адабиёт ўқитишда алоҳида аҳамият касб этади. Бадиий асардаги сўзни, тасвирни, ифодани ҳар бир реципиент ўзича қабул қилади, ўзича таъсирланади ва ўзича тушунади. Бир субъект, яъни ёзувчининг объектив олам ҳақидаги субъектив қарашлари ифодаси бўлмиш асарни субъектив қабул қиладиган китобхон фикрларида имкон борича объектив холислик, асосланганлик, исботланганлик бўлиши унинг ақлий, ахлоқий ривожида ҳал қилувчи аҳамиятга эга[4].

Ўқувчиларнинг фикрларида холислик, асосланганлик бўлишига эришишда уларни аналитик тафаккурга ўргатиш катта ўрин тутади. Ўқувчи ёшларда ана шундай тафаккур қобилиятини таркиб топтириш керак бўлган филолог ўқитувчиларнинг ўзида аналитик тафаккурни шакллантириш йўлларини тадқиқ этиш шу сабали ҳам ўта долзарб илмий-педагогик муаммодир.

Аналитик тафаккур – таҳлилий фикр юритиш санъати, бирор муаммо, масала, ахборот, воқеа-ҳодисани ўрганиш жараёнида у ҳақда атрофлича, аниқ, теран, чуқур, мазмундор, мустаҳкам тўхтамга келиш қобилиятидир. Аналитик тафаккур эгаси таҳлил қилинаётган объектни ҳар томонлама синчиклаб ўрганади: мураккаб ахборотларни қисмларга ажратади – ҳар бир сўз, жумла, детал, нарса устида жиддий фикр юритади, қисмларни ўзаро мантиқий боғлайди, мақбул хулосага келади ва керакли қарорлар қабул қилади. Аналитик қобилият эгаси ҳар қандай ҳодиса устида фикр юритганда нарса-ҳодисанинг ташқи маъносини уқиш билангина чекланмай, унинг ички – ботиний маъно қатламларини ҳам аниқлашга уринади. Натижада таҳлил этилаётган объект юзасидан атрофлича тушунча юзага келади. Аналитик тафаккур муаммо ёки масаланинг осон ва тез, тўғри ва аниқ ҳал этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Аналитик тафаккур юритадиган одам муаммо пайдо бўлганда аввал ҳар томонлама фикр юритади: муаммонинг юзага келиши сабабларини, уни бартараф этиш йўлларини таҳлил этади. Аналитик тафаккур эгаси муаммодан қочмайди, балки уни оқилона ҳал қилишга интилади.

Юқорида берилган таърифлар, муносабатларни умушлаштириб, аналитик тафаккур тушунчаси белгиларини қуйидагича изоҳлаш мумкин бўлади:

– аналитик тафаккур фикрлашнинг мантиқ билан қатъий боғланган, предметни аниқ, тўғри, объектив, ҳар томонлама таҳлил этишга қаратилган ақлий фаолият тури, таълим жараёнида билимларни ўзлаштиришнинг мустаҳкам асоси;

– аналитик тафаккур – ижтимоий ҳаётининг ҳамма соҳалари бўйича таҳлил қилиш, муносабат билдириш, ўтмишни англаш, бугунни идрок этиш, келажакни башорат қилиш, тараққиётнинг истиқболли йўлларини белгилаш имконини берадиган сермаҳсул фикрлаш йўсини, таълим тизимида узвийлик, изчилликни таъминлашнинг муҳим манбаи;

– аналитик тафаккур инсонни инновацион ғояларни илгари суриш, янги технологияларни яратиш, амалиётга татбиқ этишга ундайдиган яратувчан фикрлаш тарзидир. Таълим жараёнида ёшларни ижтимоий фаоллашувга тайёрлашнинг интенсив йўли;

– таълим тизимида талабаларда аналитик тафаккур қобилиятини ривожлантириш – бу мустақил фикрлайдиган, ҳар қандай муаммога тезлик билан

оқилона ечим топа биладиган, фикрий қарамликдан йироқ баркамол авлод тарбиялаш имконини беради. Аналитик тафаккур кишига одам ва оламни идрок этиш қувватини берадиган, унинг фикрлаш механизмини рационал ҳаракатга келтирадиган ақл генераторидир. **Хўш, талабаларда аналитик тафаккур қобилиятини шакллантириш олий адабий таълимга нима беради? Талабалар аналитик тафаккур кўникмасига, қобилиятига эга бўлса, нима ўзгаради?** Маълумки, ҳар қандай мамлакат ўзининг юксак тафаккурга эга кишилари билан қудратлидир. Тафаккури тараққий этмаган миллатнинг таназзулга юз тутиши тарихдан маълум. Олий адабий таълимда аналитик тафаккурни ривожлантиришга эътибор қаратиш бўлажак филологларни аналитик фикрлайдиган қилиш орқали бутун жамият аъзоларини теран ва ҳар тарафлама фикрлай оладиган ҳолатга келтиришга сабаб бўлади.

НАТИЖАЛАР

Мамлакатимиз олий таълими олдида бўлажак мутахассисларнинг профессионал тайёргарлиги ва интеллектуал савиясини халқаро тенденцияларга мувофиқлаштириш вазифаси турибди. Бундай даражага эса фақат талабаларни аналитик тафаккур қилишга ўргатиш орқалигина эришилади. Жумладан, филолог олим ёки филолог педагогнинг касбий тайёргарлик даражасини кўтаришнинг асоси унда аналитик тафаккур лаёқатини шакллантиришдадир. Аналитик тафаккур қила биладиган шахсгина касбий компетентлиликка эга мутахассис бўла олади. Чунки бундай филолог бадиий асарни шунчаки қабул қилмайди, балки унинг асл қиммати, тарбиявий аҳамияти, миллат эстетик дидини шакллантиришдаги ўрни, миллий ва жаҳон адабиёти ривожига таъсири, энг муҳими, бу бадиий асарнинг ёш авлод маънавиятида эзгу сифатлар таркиб топтириш имконияти қандайлигини бехато кўра билади, адбиёт дарсларига тафаккурий руҳ бера олади[6].

Аналитик тафаккур асосига қурилган адабиёт дарслари ўқувчиларда китобга ўзгача меҳр уйғотади, бадиий асар ўқишга кучли қизиқиш, эҳтиёж ҳосил қилади, китобхонлик маданиятини шакллантиради. Дени Дидро: “Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар” [10]– дейди. Аммо дуч келган бадиий китобни шунчаки ўқишнинг ўзи фойда бермайди. Китоб фикрлаб ўқилгандагина кишига манфаат келтиради. Бу ўринда, инглиз сиёсатшуноси Э.Беркнинг: “Мушоҳада юритмасдан ўқиш овқат ҳазм қилмаслик билан баробар”, машҳур рус педагоги К.Д. Ушинскийнинг: “Ўқиш – бу ҳали ҳеч нимани англатмайди, ўқиш ва шу ўқилганни уқиш – асосий гап мана шунда” – деган ҳикматлари айтилганларга қувват беради.

Бадиий асарларни уқиб ўқишга ўргатиш мактаб адабий таълимидан бошланади. Олий адабий таълимда эса талабаларнинг китобхонлик маданияти илмий-педагогик асосда янада юксалтирилиб, профессионализм даражасига

кўтарилиши керак. Аналитик фикрлайдиган талаба бадиий асарни қандай ўқиб, қандай тушунишнигина эмас, балки адабий матн билан амалга ошириладиган барча интеллектуал-эстетик амалларни бажариш йўлларини ҳам эгаллаган бўлади[9]. Ўзининг келажакдаги педагогик ёки тадқиқотчилик фаолиятида ўқувчилари ёки рецепиентларини бадиий адабиёт оламига олиб кириб, уларга бадиий асарлардан маърифий қувват олиш, маънавий тарбия топиш, эстетик озиқланиш йўлларини ўргата билади. Шунга эришган филолог таълим ва тарбиясини олган ўқувчи ҳамда талабанинг мустақил фикрлаши тез ривожланади, танқидий тафаккур юритиш лаёқати мустаҳкамланади, бадиий сўзни ҳис қиладиган, ўқиган бадиий асарини таҳлил эта биладиган, ундан ҳаётий хулосалар чиқаришга қодир билимли шахсга айланади[4].

Юнон файласуфи Демокрит: “Билишнинг икки кўриниши мавжуд. Уларнинг бири – туйғулар воситасида билиш, иккинчиси тафаккур ила билишдир”– деб таъкидлайди. Адабий таълим ўқувчи ва талабаларнинг билиш даражасини ҳам туйғулар, ҳам тафаккур воситасида юксалтиришга хизмат қилади. Алишер Навоийнинг “Хамса”, Чўлпоннинг “Гўзал”, “Бузилган ўлка”, Ҳамид Олимжоннинг “Ўрик гуллаганда”, Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим”, Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон”, Ҳалима Худойбердиеванинг “Бегим сизни табиат”, Муҳаммад Юсуфнинг “Ватаним” каби назмий асарларини; Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Шукур Холмирзаевнинг “Ўзбеклар”, Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари”, Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” каби жуда кўп асарлари талабаларнинг тафаккур ва туйғуларига бирваракайига таъсир кўрсатади[10].

Ҳақиқий бадиий асар китобхонни туйғулантириш, ҳисларини ҳаракатга келтириш орқали билимини оширади. Туйғуланиш, билимланиш тафаккур қилишга туртки бўлади. Тўлиқ идрок этилмаган бадиий асар на туйғуга ва на тафаккурга таъсир қилади.

ХУЛОСА

Аналитик тафаккур жараёнида бадиий сўзнинг маъно қирралари кенгроқ идрок этилади. Э.Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасидаги биргина “Кўҳна тарих шодасида Битта маржон, ўзбегим” мисрасини аналитик ёндашув асосида таҳлил қилиш кишидан бир дунё билим ва туйғулар қўзғалишини талаб қилади. Шу мисрадаги “тарих шодаси” ифодаси аналитик таҳлил қилинганда ер юзида инсоният пайдо бўлганидан бошлаб то шу кунга қадар босиб ўтилган мураккаб тарихий йўл, воқелар, шахслар, урушлар, тараққиёт, таназзул идрок этилади. Мисрадаги “маржон” ифодаси “ўзбегим”нинг инсоният цивилизациясининг узвий бир бўлаги бўлиб, тутган ўрни қадимий ва юксак эканидан, жаҳон маданиятини ривожлантирган илғор халқлардан бўлганидан хабар беради.

Бундай аналитик хулосалар ўқувчининг билим даражасини оширибгина қолмай, туйғуларини ҳаракатга келтириб, қалбига ифтихор туйғусини солади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ходжиева Ф.О. Ўсмирларда танқидий фикрлашни ўргатишнинг эмпирик натижалари. //Psixologiya илмий журнал.– Бухоро: 2017. – №2. – 82 б.

2. Фитрат Абдурауф. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 112 б.

3. Фреге Готтлоб. Аналитическая философия – Москва, 2006. – 21 с.

4. Ходжаев Б. Умумтаълим мактаби ўқувчиларининг мустақил фикрлашини шакллантиришнинг дидактик асослари (5-7-синф тарих дарслари мисолида) пед. фан.номзоди. дис. – Т., 2009. – 110 б.

5. Рубинштейн, С.Л. Избранные философско-психологические труды: основы онтологии, логики и психологии / Ин-т психологии РАН.

6. Richard J. Hauer Jr. Psychology of Intelligence analysis. Jr, published by Center for the Study of Intelegence, 1999. ISBN 1 929 667-00-0.

7. Rust J. Searle’s Institutional Atomism // Rust J. John Searle and The Construction of Social Reality. – London, 2006. – P. 9-36.

8. Reck E. Frege-Russell numbers: analysis or explication? // The analytic turn: analysis in early analytic philosophy and phenomenology / ed. by M. Beaney. – New York, 2007. – P. 33-50.

9. Самарин, Ю. А. Очерки психологи ума: особенности умственной деятельности школьников.– Москва, Смысл, 2012.– С. 418

10. Ходжаев Б. Ўқувчиларда тарихий тафаккурни ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари. // Psixologiya илмий журнал. – Бухоро: 2017. – №4. – 82 б.